O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№



# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

№26

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ • Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • 2006-yil, 30-iyun • № 256 (3855)

## МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Аввалáмбор, сиз, ҳурматли журналистлар, нашриёт ва матбаа соҳаси фидоийларини, оммавий ахборот воситалари ходимларини бугунги касб байрамингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Мана, ўн уч йилдирки, 27 июнь санасини юртимизда миллий матбуот куни сифатида кенг байрам қилиш яхши бир анъанага айланиб қолди. Бу байрам нафақат шу соҳа вакиллари, балки уларнинг ижод ва меҳнат маҳсулидан баҳраманд бўладиган миллионлаб муштарийлар, барча зиёлиларимиз орзиқиб кутадиган ва хурсандчилик билан нишонлайдиган қутлуғ айёмдир.

Халқимиз, жамоатчилигимиз матбуот аҳлини Ватанимиз манфаатларининг фаол ҳимоячиси бўлган, давлат ва жамият ўртасида бамисоли холис воситачи ва мухолиф сифатида фаолият кўрсатадиган, мамлакатимизнинг янгиланиши ва тараққиёти йўлида олиб борилаётган ислоҳотларни кўзланган мақсад ва манзилларга етказишда доимо изланиб яшайдиган фидойи инсонлар деб билади ва қадрлайди.

Албатта, ҳар қандай байрам тантанасида эришилган ютуқлар беихтиёр сарҳисоб этилади, амалга оширилган ишларга танқидий баҳо берилиб, янги-янги режа ва вазифалар белгилаб олинади.

Гўзал пойтахтимиз Тошкент шаҳрида ва жойларда кенг жамоатчилик иштирокида ўтаётган бугунги учрашувлар сизларнинг ўз касбдошларингиз билан дийдор кўришиб, олдингизда турган мақсад ва муаммоларни муҳокама қилиш, касб маҳоратини ошириш, миллий журналистикамизнинг ютуқ ва камчиликлари ҳақида яна бир бор атрофлича фикрлашиб олиш имконини беради, деб ўйлайман.

Халқимизга мансуб бўлган азалий одатга кўра, эл-юртга хизмати сингган, матбуотнинг оғир юкини ўз елкасида кўтариб келган муҳтарам оқсоқолларимизга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш бундай анжуманларга алоҳида файз бағишлайди. Айни пайтда бу каби тадбирлар шу кунларга етиб келолмаган устоз журналистларнинг номлари ва хотираси ёд этилиши билан ҳам ибратлидир.

Бугунги байрам кунида мен бир масалага алоҳида эътибор беришни истардим. Биз одатда оммавий ахборот воситаларининг ўрни, аҳамияти ва моҳияти ҳақида, замоннинг ўзи уларнинг олдига қўяётган ўткир талаб ва эҳтиёжлар ҳақида кўп гапирамиз. Аммо, очиғини айтганда, бу соҳанинг меҳнати нақадар машаққатли экани, журналист касбини танлаган кишилардан наинки истеъдод ва билим, балки қатъият ва жасорат талаб қилиниши, таъбир жоиз бўлса, уларнинг нони қаттиқ экани, улар одамларни тинч қолдирмайдиган ташвиш ва муаммолардан холи бўлмасдан юришлари ҳақида, афсуски, камроқ эслаймиз.

Шу ўринда барчамизнинг дилимизда бўлган бир фикрни таъкидлаб айтмоқчиман. Ҳозирги кунда халқимиз янги ҳаёт, янги жамият қуриш йўлида қандай юксак марраларга эришган бўлса, уларнинг барчасида, ҳеч шубҳасиз, заҳматкаш матбуот аҳлининг ҳам муносиб ҳиссаси борлигини шахсан мен ҳеч қачон унутмайман.

Оммавий ахборот воситаларимизнинг истиқлол йилларида босиб ўтган ривожланиш йўлига назар ташлар эканмиз, табиийки, журналистларимизнинг бугунги савияси ва даражасини бундан ўн-ўн беш йил аввалги ҳолат билан мутлақо солиштириб бўлмайди.

Кейинги пайтда миллий матбуотимизнинг қиёфасини тубдан ўзгартириб юборган компьютер ва ахборот технологиялари, Интернет тизими билан бир қаторда, энг аввало, бу воситаларнинг барчасини жонлантирадиган, уларга маъно-мазмун берадиган, таъсирчанлиги ва самарасини амалда намоён қиладиган асосий куч — журналистлар ва матбуот ходимларимизнинг малакаси ва дунёқараши, тафаккури ва маҳорати бошқалардан кам бўлмайдиган даражага ўсиб бораётганини эътироф этиш адолатдан бўлади.

Бугун биз юртимизда ҳуқуқий давлат, демократик жамият қураётган эканмиз, бу масаланинг энг муҳим шарти бўлмиш инсон қадри, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш, одамларни дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалардан ўз вақтида холисона хабардор қилиш, бу жараёнларга нисбатан жамоатчилик фикрини шакллантириш, бир сўз билан айтганда, эл-юрт дарди ва интилишлари билан яшаш, барчамиздан, биринчи галда, оммавий ахборот воситалари вакилларидан бу талаб ва мезонларни кундалик ҳаётимизда изчил жорий этишни тақозо этади.

Матбуотимиз олдида турган мана шундай долзарб вазифаларни адо этишда бугун бу борада олиб борилаётган ишларни янада такомиллаштириш, жумладан, оммавий ахборот воситаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни энг замонавий технология ва ускуналар билан жиҳозлаш, соҳа ривожи учун зарур бўлган ислоҳотларни амалга ошириш, матбуот аҳлининг масъулиятли меҳнатини қадрлаш, моддий ва маънавий рағбатлантириш масалалари бундан буён ҳам давлатимиз, ҳукуматимиз эътибор марказида бўлиши табиий, албатта.

Ўз ҳаётини матбуот соҳасига бағишлаган сиз, азизларга менинг эзгу тилагим шуки, аввало, хонадонларингиздан тинчлик-тотувлик, файзу барака аримасин, ижодий ютуқларингиз, мухлис ва муштарийларингиз янада кўпайсин.

Сизларни бугунги касб байрамингиз билан яна бир бор қутлар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад тилайман.

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**






## МАТБУОТ — ДАВР КЎЗГУСИ

Мамлакатимизда Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни кенг нишонланди. Шу муносабат билан Ўзбек Миллий академик драма театрида кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида тантанали маросим бўлиб ўтди. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Хайриддин Султонов ўқиб эшиттирди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда миллий матбуотимиз, давлат ва давлатга тегишли бўлмаган мустақил нашрлар фаолиятини янада кучайтириш, уларни жамоатчиликнинг эркин ва холис фикрини ифодаловчи минбарга айлантириш, оммавий ахборот воситалари фаолиятига доир ҳуқуқий асосларни янада мустаҳкамлаш борасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Соҳа ходимларини қўллаб-қувватловчи бир қатор жамоатчилик фондларининг ташкил этилиши, журналистика соҳасидаги энг яхши ишлар муносиб равишда тақдирланаётгани ҳам айни муддао бўлмоқда.

Байрам арафасида ўтказилган тадбирлар, хусусан давра суҳбатлари, газетхонлар билан учрашувларда оммавий ахборот воситалари ходимларининг бугунги вазифалари, журналистларнинг бурч ва масъулияти ҳақида гап борди. Бутун дунёни қамраб олган глобаллашув, мафкуравий курашлар, ахборот хуружлари шароитида матбуот миллий манфаатларни ҳар жиҳатдан ҳимоя қилиши керак. Бунда унинг холис фикри, теран таҳлили ва дунёвий воқеа-ҳодисалар моҳиятини чуқур очиб бериш маҳоратига бўлган эҳтиёж янада ортади.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан ўтказилган «Йилнинг энг фаол журналисти" танлови ғолибларига мукофотлар топширилди. "Еркин Қарақалпақстан" газетаси бош муҳаррири ўринбосари Даўит Абибуллаев, рассом Жаҳонгир Адилов, тележурналист Саида Давлетова, "Халқ сўзи" газетаси мухбири Мақсуд Жонихонов, "Тошкент ҳақиқати" газетаси бўлим мудири Жўра Саъдуллаев, "Жаҳон" ахборот агентлиги етакчи мутахассиси Шуҳрат Умиров мазкур танлов якунларига кўра ғолиб деб топилдилар. Лев Савельев («Правда Востока"), Саминжон Султонов ("Адолат кўзгуси", Сирдарё), Ҳамид Султонов ("Ўзбекистон матбуоти" журнали), Ботир Темиров ("Қашқадарё" газетаси), Дилфуза Эсонова, Муҳаббат Ҳамроева (тележурналистлар), Олимжон Ҳакимов (Фарғона вилояти "Давр овози" газетаси). Оловуддин Ғаффоров ("Туркистон-пресс" нодавлат ахборот агентлиги) танловнинг рағбатлантирувчи мукофотларига сазовор бўлдилар.

Матбуотчилар байрами муносабати билан Маданият ва спорт ишлари вазирлигида ҳам тантанали қабул маросими бўлиб ўтди. Унда вазирлик тасаруфидаги нашрларда мамлакатимиз маданий ҳаётини янада тўлақонли ёритиш, маданият ва спорт соҳасида эришилаётган ютуқларни, ёш истеъдод эгаларини кенг тарғиб қилиш юзасидан фикрлашиб олинди. Бу борада яхши ижодий натижаларга эришаётган қалам соҳибларига вазирликнинг совғалари топширилди.

*2 июл — Ўзбекистон Республикаси Давлат герби қабул қилинган кун*

## ВАТАН РАМЗИ

Ватан тимсоллари — нисбатан кенг тушунча. Биз яшаб турган шу муқаддас замин, шу тупроқ эгаси бўлмиш она халқ, унинг жонажон тили, миллий қадриятларимиз, борингки, бошимиздаги дўппи, эгнимиздаги тўн, белимиздаги белбоғимиз... ҳам — Ватан тимсоли. Мустақиллик йилларида "Ватан тимсоллари" ҳамда "Давлат рамзлари" атамаларини эмин-эркин, қолаверса, бутунлай янги маъно-мазмун билан ишлатадиган бўлдик.

Давлатнинг Конституцияси, Президенти ҳам бевосита Ватан тимсоллари саналади.

Давлат рамзлари — ўта муайян тушунча. Учта рамзгина, қачон ва қаерда бўлишидан қатъи назар, давлатни билдиради. Бу Давлат байроғи, Давлат герби, Давлат мадҳияси.



Буларнинг ҳар бири махсус қонун билан қабул қилинган. Бу қонунлардан ҳар бирининг иккинчи моддасида шу муайян рамзнинг давлат мустақиллиги белгиси экани алоҳида қайд этилган.

Ҳар қандай давлатнинг ўз тамғаси, ўз байроғи, ўз мадҳияси бўлади. Кўплар бу замонавий давлатчилик талаблари илдизини Ғарбдан қидиришга ўрганиб қолган. Аслида ундай эмас.

Талай ўзбек зиёлилари тўғри кўрсатиб берганидек, Эрондан Олтойгача бўлган улкан минтақаларга эгалик қилган туркий хоқон Ўғузхон давлатида олмонча "ҳербо" сўзининг маъносини айнан ифодалайдиган "тамға" атамаси истеъмолда эди. Шунга ҳам икки ярим минг йил бўлибди. Демак жаҳонда тамғанинг давлат рамзларидан бирига айланиши ҳам, бир томондан, бевосита қадим ўзбек давлатчилигига бориб тақалади.

Тарихчи олимларимизнинг Мирзо Улуғбекка асосланиб маълумот беришича, ҳозирги Ўзбекистонимиз тупроғида XIII-XIV асрларда ҳукм сурган давлатларда савдо карвонларидан олинадиган "тамға солиғи" бўлган. Ҳатто ҳозирги русча "таможня" сўзи ҳам, аслида, айнан "тамға божи" бирикмасидан олинган. Демак, бож тизими ҳам дастлаб ўзимизда пайдо бўлган.

Ўзбекистон ўз мустақиллигининг биринчи йилидаёқ Давлат гербига эга бўлди. 1992 йилнинг 2 июлида "Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида"ги қонун қабул қилинди.

Бугун Ўзбекистонимизни жаҳоннинг турли бурчакларида гербига қараб ҳам танишади. Бугун мамлакат фуқароларига тамғамизни таърифлаб ўтириш шарт эмас.

Бироқ шуни унутмаслик кераккки, тамғамиздаги ҳар бир чизиқ, ҳар бир ранг, ҳар бир белгида муайян рамзий маъно бор. Айтайлик, ўнг томони чаноқлари очилган ғўза, чап томони буғдой бошоқларидан иборат чамбар ичра тоғлари, дарёлари бор гуллаган водий узра қуёш нур таратиб турибди. Бу айнан жаннатмонанд диёримизнинг тасвири эмасми?

Юқорида мамлакатимиз ҳурлигининг рамзи сифатида саккиз бурчак, яъни миллий нақкошлигимизда кўп қўлланган анъанавий мусамман акс эттирилган. Унинг ичида ярим ой ва юлдуз бор. Бу ҳам биз учун аждодлардан мерос бўлиб келаётган рамзлардан бири. Гербнинг марказидаги қанотларини ёзган Ҳумо қуши бахт ва эркесварлик рамзи ҳисобланади. Халқимиз илгаридан Ҳумони давлат қуши сифатида тасаввур этган.

Гербимизнинг пастки қисмида давлатимиз байроғини ифода этувчи чамбар лентасининг бандида "Ўзбекистон" деб ёзиб қўйилган. "Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида"ги Қонунда Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири қайси биноларда ўрнатиб қўйилиши белгиланган.

Қонуннинг 8-моддасида шундай сўзларни ўқиймиз:

"Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, шунингдек, республикада турган ўзга шахслар Ўзбекистон Республикасининг Давлат гербини ҳурмат қилишлари шарт.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат гербини беҳурмат қилганлик Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда жазоланади".

Гербимиз бизга бир қадимий рамзий шаклни қайтариб берди. Бу тамға тепасидаги саккиз юлдуз. Уни "мусамман" дейишган. Эски масжидлар, мадрасалар, хонақоҳлар, саройлар, меҳмонхоналар, миноралардаги нақшларда бу шаклни кўп учратамиз. Бу рамзан жаннатнинг саккиз эшигига ишора сифатида қабул қилинган. Мусамманнинг ичида мусулмон Шарқи халқлари учун умумий рамзлардан ҳисобланган ҳилол, яъни ярим ой ва юлдуз акс эттирилган. Гербдаги бу тасвирлар эса рамзий маънода аҳолисининг катта қисми мусулмон бўлган мамлакат эканимизни билдириб туради.

Давлат герби — мамлакатнинг ҳар бир фуқароси муқаддас билиши шарт ҳисобланган белгидир. У юрагида Ватан туйғуси бор ҳар қандай кишида миллий ҳис, ўзига хос ғурур, энг муҳими, юртга меҳр уйғотади.

Ўзбекистон бир узук бўлса, герб — гўё шу узукнинг кўзи.

**Султонмурод ОЛИМ**

## ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИДА

Бадиий адабиёт халқларни халқларга, дилларни дилларга боғлайди, тинчликка хизмат қилади. Адабиётни бежиз дўстлик кўприклари дея аташмаган. Таржима эса турли халқларни адабиёт орқали бир-бирига таништирадиган воситадир.

Бугун мамлакатимизда маданий алоқалар ҳам тобора ривожланмоқда. Мустақиллик йилларида "Жаҳон адабиёти" журналининг тасис этилиши,Ўзбекистон жаҳон тиллари университетининг очилиши нур устига нур бўлди. Эндиликда ёшларимиз чет тиллардаги асарларни аслиятда ўқишмоқда ва таржима қилишмоқда. Бу борада интернет уларга қўл келмоқда. Бироқ бадиий таржиманинг ўзига хос сирлари ва машаққатлари мавжудки, тажрибали таржимон-адибларимиз ёшларга бу борада сабоқ беришлари даркор.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Халқаро адабий алоқалар ва бадиий таржима кенгаши фаолларининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида мамлакатимизда бу борада олиб борилган ишлар ҳақида фикр юритилди.

Уюшма раисининг биринчи ўринбосари Сирожиддин Саййид халқаро адабий алоқаларнинг моҳияти ва ёзувчиларимиз фаолияти ҳақида гапирди.

Халқаро адабий алоқалар ва бадиий таржима кенгашининг раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али кенгашнинг 2005 йилда бажарган ишлари ҳақида ҳисобот берди. У ўз нутқида Исроил, Япония, Жанубий Корея, Миср араб республикаси каби мамлакатлар адабиёт намояндаларининг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида меҳмон бўлиши, жаҳонда ўзбек адабиётини тарғиб қилиш бўйича бажарилган ишлар, адабий ҳамкорликлар, ёзувчиларимизнинг чет элларга қилган ижодий сафарлари ҳақида сўз юритди. Япониянинг Ўзбекистондаги собиқ элчиси Кёко Накаяма хоним юртимизда меҳмон бўлганида Алишер Навоий асарларини япон тилига таржима қилиш бўйича айтган таклифини ҳамда унинг Токиода чоп этилган "Ўзбекистон сакураси" номли китобини алоҳида таъкидлади. Накаяма хоним "Ўзбекистон сакураси" китобини Япониядан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов номига лутфан юборди. Накаяма хоним етти бобдан иборат ушбу китобда 1999 йилнинг августидан 2002 йилнинг июлига қадар Ўзбекистондаги фаолияти хусусида ҳикоя қилади.

Муҳаммад Али ушбу китобни бевосита япон тилидан ўзбек тилига таржима қилиб чоп этиш борасидаги саъй-ҳаракатлар ҳақида маълумот берди.

Фаоллар йиғилишида "Жаҳон адабиёти" журнали фаолияти, Мирпўлат Мирзонинг жаҳон шоирлари шеърларидан қилган таржималари — "Сомон йўли чечаклари", қозоқ шоирлари антологияси китоблари, қорақалпоқ шоири Бахтиёр Генжамуроднинг ўзбек тилида чоп этилган "Укуздарё битиклари" шеърлар ва достонлар тўплами ҳақида фикрлар билдирилди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари Минҳожиддин Мирзо, шоир Азим Суюн, ёзувчи Омон Мухтор, адабиётшунос олим ва таржимонлар Зуҳриддин Исомиддинов, Сувон Мели, Исмоил Бекжон уюшма қошида ёш таржимонлар тўгарагини ташкил этиш, Ўзбекистон жаҳон тиллари университетида, вилоятларда, "Жаҳон адабиёти" журнали таҳририятида Халқаро алоқалар ва бадиий таржима кенгашининг кўчма йиғилишлари ва семинарларини ўтказиш, йилнинг энг яхши таржима асарлари тақдимотини уюштириш, таржимонларни рағбатлантириш, Ўзбекистон телевидениеси ва радиосида бадиий таржима бўйича адабий дастурлар намойиш этиш учун режалар ва таклифлар ишлаб чиқиш ҳақида фикр-мулоҳазаларини изҳор этдилар.

Йиғилишда Халқаро адабий алоқалар ва бадиий таржима кенгаши таркибини янгилашга оид ва бошқа ташкилий масалалар ҳам муҳокама этилди.

**Ўз ахборотимиз**



## ЯНГИ ТОМОША

Ҳамза номидаги Қўқон мусиқали драма театри жамоаси театр санъати мухлисларига истеъдодли драматург Салоҳиддин Сирожиддинов асари асосида "Уйингизга совчи кетди" деб номланган мусиқали сатирик комедияни тақдим этди.

Асарда миллий урф-одатларимизга, қадимий анъаналаримизга зид бўлган, айниқса, бугунги кунда ўзбек оилаларида учраб турадиган салбий ҳолатлар ўткир сатирик йўналишда фош этилади.

"Уйингизга совчи кетди" спектаклининг яратилишида театрнинг бош режиссёри Феруз Тошхўжаев ҳамда таниқли актриса, Ўзбекистон халқ артисти Шафоатхон Раҳматуллаеваларнинг меҳнати ва изланишлари катта бўлди. Асарни саҳналаштирувчилар ушбу спектаклда саҳна ва томошабинлар ўртасидаги чегарани йўқотиш, яъни саҳна қаҳрамонлари ҳаётини томошабинлар билан узвий боғлашга эришганлар. Томошабинлар саҳнада кечаётган воқеаларни ўз бошларидан ўтказгандек қабул қиладилар. Бу эса асар ғоясини кучайтиришга ва замонавий театр талабларига ҳар томонлама жавоб берувчи спектакл яратишга имкон берган.

Саҳнада ортиқча ва кераксиз уй жиҳозлари, тез-тез декорация алмашувлари йўқ. Рассом Қаҳрамон Мамазияев актёрлар маҳоратини, истеъдодини кўрсатиш йўлида ижод қилган. Спектаклнинг мусиқа раҳбари Баҳром Шерқўзиевнинг замонавий куй-қўшиқлари асар ғоясини очиб беришга ҳисса қўшган.

Асар қаҳрамонларининг ҳаётини саҳнада ишонарли ва самимий талқин этишда Шафоатхон Раҳматуллаева, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Хурсаной Умарова, актрисалар Ё.Жўраева, О.Бегматова, С.Пўлатова, Р.Жўраева, М.Қодировалар катта меҳнат қилганлар.

**А.РАҲИМОВ,**
**"Ўзбектеатр" бирлашмаси ахборот бўлими бошлиғи**

## ЭЪЛОН!

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг, Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази қошида "УМИД" ёшлар театр-студияси ташкил этилаётганлиги муносабати билан ҳаваскор ёшларни танлов асосида қуйидаги йўналишлар бўйича ўқишга таклиф этади:

1. Актёрлик маҳорати
2. Саҳна нутқи
3. Саҳна ҳаракати
4. Тўй, базм ва бошқа оилавий тадбирларни олиб борувчи бошловчилар

**Ўқиш муддати 6 ой.**

**Театр студиясини тамомлаганларга махсус сертификат берилади.**

**МАНЗИЛ: А.Қодирий кўчаси, 13-уй. Метронинг А.Навоий ва Ғ.Ғулом бекатлари**

## МАДАНИЙ ҲАЁТ

*Санъат институтининг 3-курс талабалари таниқли қўғирчоқбоз Фатхулла Хўжаев раҳбарлигида ўзбек қўғирчоқ театри тарихида биринчилардан бўлиб марианетка (чодир хаёл), яъни ипли қўғирчоқда ўз ижодий имкониятларини синовдан ўтказдилар. Талабалар билан бу жиддий ишга журъат этган саҳналаштирувчи режиссёр Ф.Хўжаев марианеткада тажриба ўтказиш учун халқ оғзаки ижоди дурдоналаридан бўлмиш "Зумрад ва Қиммат" эртагини танлади. Бу илк қадамни мутахассислар юқори баҳоладилар. Ушбу асарда соя театридан унумли фойдаланганлиги асарнинг таъсир кучини янада оширган.*

*Талабаларнинг ижодий изланишлари қўғирчоқ театри санъатининг эртаси ишончли қўлларда эканлигидан далолат беради.*

**Даврон ҚАЛАНДАРОВ**

## БОҒ КЎЧА ЗИЙНАТИ

### Ёхуд Билол аканинг тансиқ неъматлари

*Яхшилар ибрати*

Яқинда ҳамкасбим, фотожурналист Нурмамат Алмуродов билан шаҳар айланиб, Ойбек домла истиқомат қилган маҳалладан ўтиб қолдик. Эндиликда улуғ адиб яшаган маҳалла ҳам янги тошкентликларнинг бошқа жойлардаги каби осмонўпар уй-қўрғонлари ҳисобига таниб бўлмас даражада ўзгариб бораётган бўлса-да, бундан қирқ-эллик йил бурун тикланган уйларнинг анча-мунчаси ҳали-ҳануз ўз кўрку қиёфаси билан яшамоқда. Туркқўрғон ва бошқа кўчалардан ўтсангиз, йўл ёқаларида саф тортган, ҳовли жойлар орқасидаги бир қарич ерни безаб турган турфа мевали дарахтлар ҳар қачонгидан эътиборингизни кўпроқ тортади. Бу йил мева-чеванинг йили келди: туту гилос, ўригу олма, олчаю олхўрилар мўллигидан дарахтлар шохларини кўтара олмай қолган.

Кичик халқа йўлидан бурилиб, Туркқўрғон кўчаси бўйлаб Ойбек домлалар маҳалласи томон юз қадамча юрар-юрмас бир азамат дарахтдан зартоб ўриклар шатир-шутир қилиб ерга чунонам тўкилдики, бу ғаройиб манзара гўзаллигидан завқланиб, бир фурсат тўхтаб қолдик. Жоноқи олмадай оппоқ ўриклар асфалт устида олтиндай сочилиб ётарди. Энди пишган ўрикларнинг ҳаммаси бус-бутун. Ҳадеганда эгасидан дарак бўлавермади. Нурмамат қўшнининг боласидан шу ўрикнинг эгаси ким, деб сўраган эди: "Э, амаки, олаверинг, ўрик бизники", деди. У раҳмат айтиб ўрикларни терди-да, бир уй ортидаги сувқувурдан ювиб олиб, "бай-бай" деганча ҳузурланиб оғзига солди. Шу кўча бўйлаб бораканмиз, ҳар қадамда ғарқ пишган туту гилос, олмаю олхўриларга дуч келардик. Бу бетимсол Ватанимиз жаннатмонандлигидан бир нишона. Она юртимиз саховатининг оддий бир кўриниши.

Давоми иккинчи бетда.

# КУЙИБМАН ИШҚ ОТАШИДА



Муҳаммад РАҲМОН

* * *

Олис тунлар тўлғондим, ёндим...
Бу оғриққа чидайин қандай:
Кўринмас қўл билан аллаким
Тиззамга мих қоқиб кетгандай!

Бу ҳунари етмагандай боз
Пичинг отиб тегади жонга:
— Оқсоқланиб қолибсан... нечук...
Тақлидми бу Темур бобонгга?

Буюкларга иқтидо айбмас,
Кошки, дейман, тақлид бўлсайди.
Менга унинг жасоратию
Жароҳати тақдир бўлсайди!

Ўтди умр, ҳасрато, ўтди
Майда юмуш, ташвишлар билан.
Ўзимиздан ортмадик сира
Машмашаю миш-мишлар билан.

Бола-чақа, уй, дея чопдик,
Шуҳрат, амал, тўй, дея чопдик.
Борадиган жойимиз маълум,
Ниманидир йўқотдик, топдик.

Бир андиша кўзимни юмсам,
Омбур бўлиб тишлайди жонни:
Ололдимми йўлингдан, халқим,
Ҳеч бўлмаса битта тиконни?!

Масхарага бунчалар ўчсан,
Кимга заҳринг, кимга асалинг.
Мен фақирга этибди насиб,
Бойлик эмас, "бойлар касали"[1]нг!

Осон эмас кўтариб юрмоқ,
Сабил умр иззаларини...
Кулма, ҳаёт! Оғуларинг бор,
Косасида тиззаларимнинг...

* * *

Ойдин кечаларда хўрсиниқ, ёниш...
Мискин Отабекми сархуш бўзадан.
Қайдадир Шерали қилади хониш:
— Булбул, қандай омон қолдинг бўсадан?..

Ой турар боғларнинг кунгурасида,
Гўё зар тўкилар тилла кўзадан.
Гуллар орастадир, сарвлар расида...
Булбул, қандай омон қолдинг бўсадан!

Бир зум топишгандай Ер билан само,
Олам фориғ бўлган ғурбат, ғуссадан.
Дарахтга ўралиб эмранар сабо...
Булбул, қандай омон қолдинг бўсадан!

Ёдимда зулфларинг мушки анбари,
Юзинг лов-лов ёнар ҳаё-иззадан.
Топди лабларингни излаб лабларим...
Булбул, қандай омон қолдинг бўсадан!

Не сир-синоат бу, телбараб, суюб,
Ўзимни пойингга тутдек тўкканман.
Лаълинг оташ бўлса кетганман куйиб,
Агарчи бол бўлса, болга чўкканман.

Ўша-ўша масрур, ўша-ўша лол,
Илоҳий лаҳзадан, нурли қиссадан.
Умрлик ҳайратман, умрлик савол:
Булбул, қандай омон қолдинг бўсадан?!

## ЧОРБОҒ ЭТЮДИ

Оқ атиргул, оппоқ атиргул...
Кимдан қочди, нимадан қочди?
Қайрадими тишини арра,
Гулқайчими жағини очди?

Оқ атиргул, оппоқ атиргул...
Турмасмиди гуркираб, яшнаб.
Сиғмадими чегараларга,
Симтўсиққа ўзини ташлаб.

Оқ атиргул, оппоқ атиргул...
Тўхтагандек умр санаси:
Ярим лоши чорбоғда қолган,
Кўчададир ярим танаси.

## УЧОҚ

*Шавкат Раҳмон хотирасига*

Қоқиламиз осмонга боқсак,
Ерга қараб яшаймиз бетоб...
Пайқамабмиз! — бош устимиздан
Ўтибсану кетибсан шитоб.

Бор кучингни парвозга бериб
Қаёқларга шошгандинг, учоқ...
Қандай ёруғ қолдирган изинг,
Қандай ёруғ, узун ва оппоқ!

* * *

Куйибман ишқ оташида, кулим қолмиш,
Кулим кўзига тўтиё гулим қолмиш.

Мани ундан, уни мандан аюрмишлар,
Ки ғаюрлар яқосинда қўлим қолмиш.

Бурибди юз мазаллатга ошинолар,
Дўсти содиқ — ёлғизим шу дилим қолмиш.

Келиб-кетмиш неча шоҳу шаҳаншоҳлар,
Элим қолмиш бу оламда, тилим қолмиш.

Сўзинг маҳзун, кўзинг маҳзун, аё шоир,
Кўп кўрибсан, кўрмаганинг ўлим қолмиш.

1. Нақриз, подагра

# БАҲОР КУНЛАРИДА

Абдуғаффор ХОЛМАТОВ



*Майсалар - заминнинг яшил киприги,*
*Юракка соғинч расмини чизар.*
*Унут қабрларнинг бошида титраб,*
*Лолалар алвонранг рўмолин ёзар.*

*Кўнгил ойнасининг синиқларига,*
*Етти хил оламни жойлар камалак.*
*Баҳорнинг покиза ҳисларин жамлаб,*
*Мажнунтол сочига тақар жамалак.*

*Қалбимнинг беғубор осмонларида*
*Чақинга айланар асрий армонлар.*
*Руҳимнинг зангори кенгликларига,*
*Муаттар атрини сочар райҳонлар.*

*Ҳижроннинг музлаган қорлари эриб,*
*Ирмоқлар қўшиғи кўчар дилимга.*
*Мудроқ хаёлларим тумандай тарқаб,*
*Баҳор пешвоз чиқар менинг йўлимга.*

***

*Ой нурига йўғрилган*
*Мўъжизакор уй бўлар.*
*Сенинг бахтли кунингда*
*Бир чиройли тўй бўлар.*

*Ёр-ёр айтиб келарлар,*
*Кузатади ёр-ёрлар.*
*Топилмагай битта ҳам*
*Сендан кўнгил сўрарлар.*

*Қуда, хола, аммалар*
*Ўйнаб,яйраб кетарлар.*
*Мен шоирни телба деб,*
*Сени қайраб кетарлар.*

*Ёр-ёрларга қўшилиб,*
*Армонларим йиғлайди.*
*Кўзларингни мол-дунё*
*Ёлғонлари боғлайди.*

*Товусдай товланасан,*
*Тожу тахтинг тиллодан.*
*Менчи сенга бахт тилаб,*
*Бахт сўрайман худодан.*

*Ой нурига йўғрилган*
*Мўъжизакор уй бўлар.*
*Сенинг бахтли кунингда*
*Бир чиройли тўй бўлар.*

*Мен-чи, мени қўявер,*
*Худо шуни хушлагай.*
*Энди ғариб кулбамга*
*Ой нурлари тушмагай.*

*Акс-садо*

# НАВОИЙ "ҚАРШЫ" ДЕБ ЁЗГАНМИ?

***Ҳафталигимизнинг шу йилги 19 май сонида тилшунос олим Бердақ Юсуфнинг "Ўтирмоқми ёки ўлдирмоқ?" сарлавҳали мақоласи босилган эди. Унда олим тилшунослигимизнинг бир қанча баҳсли масалалари, жумладан, эски ўзбек тилида унли товушлар ҳақида фикр юритганди. Мақола газетхонларда катта қизиқиш уйғотди, турли мулоҳазаларга сабаб бўлди. Газетамизнинг ушбу сонида эса Эргаш Умаровнинг айни шу мавзудаги мақоласини эълон қилаётирмиз.***

Адабиёт газетамизда босилган Б.Юсуф мақоласида, шубҳасиз, тилшунослигимизнинг муҳим муаммоси тилга олинган. Бу эътиборга сазовор. Бироқ ҳар қандай танқидчи илм соҳасида мунозарага киришар экан, агар масалага холис ёндашса, фан ҳам ютади, жамият ҳам. Мен газетхонлар эътиборини қуйидаги беш масалага қаратмоқчиман.

1. Б.Юсуф ***тўр*** сўзлари таҳлилида шундай ёзади: «Биринчи ***тўр***(сетка — **Э.У.**) сўзидаги **ў** қаттиқ, орқа қатор, иккинчи ***тўр***даги (қуш ўтирадиган ёғоч — **Э.У.**) **ў** эса юмшоқ, олд қатор...». Хўш, ***тўр*** сўзларидаги **ў**нинг қаттиқлик ёки юмшоқлигининг исботи қани? Иккала **ў** ҳам бир хил вазиятда ***т*** ва ***р*** орасида турибди-ку? Суюқликни литр, узунликни метр билан ўлчаймиз. Энг кичик нутқ бирлиги — товушнинг қаттиқлик ёки юмшоқлик белгиси нима? Навоий маълумотларини, яъни бу сўзлардаги **ў**нинг бир-биридан қисқалик билан фарқланишини қирғиз тили ҳам тасдиқлайди. "Киргизско-русский словарь"да (Москва, 1965) қуйидаги жуфтликдаги сўз бир унли, иккинчи сўз икки унли билан ёзилган: **тур** — нақш(783-бет), **туур** — қуш ўтирадиган ёғоч(772-бет). Ўзбек товушларига қаттиқлик ҳам, юмшоқлик ҳам хос эмас. Шу сабабли юмшатиш белгиси (ь) лотин алифбосидан тушириб қолдирилди. Қаттиқлик-юмшоқлик атамаси ва юмшатиш белгисини ўзбек тилига шўронинг югурдаклари 1940 йили кирилл алифбоси билан олиб кирдилар.

2. ***Дақиқ*** сўзининг луғавий маъноси ***қисқа, юмшоқ*** эмас. Муаллиф «Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати»ни нашрга тайёрлашда қатнашиб, биринчи жилднинг 473-бетида "дақиқ" сўзининг ***қисқа*** деб изоҳланганини тан олмаслиги ўзига ўзининг қарши чиқиши-ку! «Бобурнома»да ҳам ***дақиқа*** — *қисқа* вақт бирлиги — минут маъносида келган: «...бир кеча ва кундуз минг тўрт юз дақиқа бўлғай» (Ҳ.Назарова. Бобур асарлари учун қисқача луғат, Т., 1972, 35-бет). «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» биринчи жилди 216-саҳифасида ***дақиқали*** сўзи ***жуда қисқа*** деб изоҳлангани фикримизни тасдиқлайди. «Узбекско-русский словарь»да ҳам (Т., 1988, 116-бет) ***дақиқали*** *сўзи* «короткий», яъни қисқа деб таржима қилинган. Ахир, б***ир да*қ*ика тўхтаб туринг, бир юмшоқ тўхтаб туринг бўладими*** ёки ***қисқа вақт тўхтаб туринг бўладими?***

3. Б.Юсуф ўзбек тилида "мантиқан тўртта **ў** бўлиши мумкинми?" деб ёзади. Агар у бироз жонини койитиб, «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» иккинчи жилдининг 252—253-саҳифаларидаги: ***тўр*** — ҳурматли жой; ***тўр*** — тузоқ; ***тўр*** — қовун устидаги тарам-тарам чизиқлар (***қовун тўр боғлабди***) ва ўзбек тилининг қорақалпоқ шеваларидаги ***тўр*** — қуш ўтирадиган ёғочни кўрганида бундай ёзмас эди. «Санглоҳ» муаллифи Мирза Маҳдихон ***тўрлади*** феълини ***нақш дўхт*** — *нашқ тикмоқ, нақшламоқ* деб изоҳлайди.

4. Тилшунос «Бадоеъ ул-луғат» муаллифи Толи Ҳиравийга ҳам ишонмайди. Гўё луғатчи ***ўлдирмоқ*** билан ***ўлтирмоқ***нинг фарқига бормаган эмиш. Факсимилени синчиклаб ўқиганида эди, луғатда ***ўлдирмоқ*** сўзи XV асрда ***куштан*** (ўлдирмоқ) ва ***нишастан*** (ўлтирмоқ) маъносида ишлатилганига гувоҳ бўлар эди.

Олим «Сабъаи сайёр»дан олинган:

**Кўрмади шоҳ муносиб ўлтурмоқ,**
**Яқинида буюрди ўлтурмоқ**

байтининг иккинчи мисраси охиридаги ***ўлтурмоқ*** сўзини изоҳлар экан, шундай ёзади: «Натижада Толи Ҳиравий ***ўлтурмоқ*** сўзини ўзининг субъектив қарашига мослаштириб талқин қилади. Иккинчи мисрадаги ***ўлтурмоқ*** ҳар қанча қисқа қилиб талаффуз қилинса ҳам ҳеч қачон "***ўлдирмоқ***" маъносини англатмайди...».

Тилшунос Алишер Навоий асарлари бўйича тузилган «Абушқа» луғатининг 1868 йилги В.В.Веляминов-Зернов нашри 117-бетидаги "***ўлтурди – ўтурди, демакдур***; ***ўлтурди — имола*** (*қисқа* — ***Э.У.***) ***ила ўлдурди, демакдур***" изоҳини ўқиганида эди бундай ёзмасди. У «Хазойин ул-маоний» девонларининг айрим саҳифаларига кўз югуртирганида эди, ***ўлтурмоқ*** феълини Алишер Навоий ***ўлдирмоқ*** маъносида ишлатганига ишонарди:

**Бир кун мени ул қотили мажнуншиор ўлтургуси,**
**Усрук чиқиб, жавлон қилиб, девонавор ўлтургуси...**

**Дебсенки, Навоийни келгум доғи ўлтургум,**
**Ул ўлди бу ҳасратдин, кел тенгри учун ботроқ.**

5. У унлилар талаффузида тил иштирок этиши ҳақида ёзар экан, сингармонистларнинг ***тил олди, тил орқа*** атамаларини атайлаб тушириб қолдиради. Унинг ***тўр***(сетка), ***тўр***(қуш ўтирадиган ёғоч) сўзларидаги **ў** тил олди (тил олди йўқ, тил учи бор: **Тилингнинг учи билан қара унми, шакарми? — Э.У.**), тил орқа (тилнинг орқаси йўқ, тилнинг таги бор — **Э.У.**) билан талаффуз қилинади, дейиши, юмшоқроқ қилиб айтганда, кулгили-ку!

Энди ***қаттиқлик-юмшоқлик*** амалиётда қандай чалкашликлар келтириб чиқариб, ўқув ишларига салбий таъсир кўрсатаётгани ҳақида. Буни фақат олимнинг тили билан айтганда, ***тил орқа***, ***қаттиқ ы*** унлиси мисолида кўриб ўтамиз. Сингармонизм туфайли ***қилмоқ — қылмоқ***, ***қичқирмоқ — қычқырмоқ***, ***қани — қаны***, ***бошин — бошын***, ***балиқ — балық, олиб — олыб*** шаклида ёзилмоқда. Наҳотки, Алишер Навоий ***қарши***ни — ***қаршы***, ***балчиқ***ни — ***балчық***, ***ташқари***ни ***ташқары***, Бобур ***сари***ни ***сары***, ***лаби***ни ***лабы***, ***қизи***ни — ***қызы*** шаклида ёзган бўлса?! Отоий ***қошингизға***ни ***қошынгызға*** шаклида ёзганига исбот борми? Рабғузий ***борайин***ни ***борайын***, ***қариндошлари***ни ***қарындошлары***, Лутфий ***тортайин***ни ***тортайын***, ***йахши***ни ***йахшы***, ***минг***ни ***мынг***, Саккокий ***қонидин***ни ***қоныдын***, Абулғози Баҳодирхон ***йилдин***ни ***йылдын*** шаклида ёзганми? Сингармонизм асосида ёзилган ушбу сўзлар қандай қилиб арузга тушади! Мен ўзим амалиётчи бўлганим учун ўқувчиларга ***ы*** товуши борлигини исботлай олмайман. Агар бу товуш бўлганида, албатта, қадимги луғатларда қайд этилган бўлур эди.

Энди бу чалкашликлар қаердан пайдо бўлди, деган саволга келамиз. Бу хатоларнинг илдизи ёзувнинг ўзгариши билан боғлиқ. Араб ёзувидан аввал лотин, сўнгра кирилл алифбосига ўтиш оқибатида фақат оддий кишилар эмас, балки олимлар ҳам ота-боболари ёзиб қолдирган меросни ўқий олмайдиган бўлиб қолдилар. Шундай бўлгач, улар кимгадир эргашишлари керак-ку! Улар европаликларга кўр-кўрона ишона бошладилар, натижада боши берк кўчага кириб қолдилар. Агар «Девону луғат-ит турк», «Бадоеъ ул-луғат», «Абушқа», «Луғати туркий», «Санглоҳ», «Китоби луғати атрокийа», «Луғоти чиғатойи ва турки усмоний»ни аслиятда ўқиганларида эди, ўзбек тили учун ***қаттиқлик-юмшоқлик эмас***, ***узун-қисқалик*** хос эканлигини англардилар.

**Эргаш УМАРОВ**

### ТАҲРИРИЯТДАН:

***Муҳтарам тилшунос олимларимизнинг ҳафталигимиз ўқувчилари эътиборига ҳавола этилган мақолаларида бугунги кунимизнинг бениҳоя долзарб муаммоларидан бири кўтарилган. У ҳам бўлса – мумтоз адабий меросимизни, хусусан Алишер Навоий асарларини ўқиш ва ўрганиш масаласидир. Бугун ҳаётнинг ўзи биздан ҳазрат Навоий ва бу улуғ зотга замондош алломалар, улардан кейинги қалам соҳиблари асарларини, жамики меросимизни қайта ўқиш ва қайта идрок этишни талаб қилмоқда. Навоий ижодидан тўла баҳраманд бўлмай туриб, улуғ шоирнинг шоҳ сатрлари қатларига яширинган дурдона маъноларни англамай туриб маънавий комилликка эришиш мумкин эмаслиги ҳаммамиз учун аён ҳақиқат бўлиб қолди.***

***Газетамиз саҳифаларида эълон қилинган ҳар икки мақоладан кўзланган мақсад ҳам шу эди — Навоийни англамоқ керак ва бу ишни асло сусайтириб бўлмайди. Лекин мазкур мақолалар муаллифларининг илмий талқинлари шуни кўрсатдики, биз бениҳоя зарур ва мураккаб муаммо олдида турибмиз. Бу муаммони бир кунда, бир-икки газета мақоласи, бир-икки эҳтиросли маъруза ёхуд куюнчак олимларимизнинг ҳаяжонли баҳси билан ҳал этиб бўлмайди. Навоий ва унинг замондошлари ижодини тушунмоқ учун бу улуғ зотлар асарларини чоп этиш керак, аммо бу ҳам муаммони тўла ҳал этмайди. Бизнингча, талабалар учунгина эмас, мумтоз адабиёт ихлосмандлари — оддий китобхонлар, Навоий ижод гулшани остонасида турган мухлислар учун ҳам мўлжалланган янги ва янада мукаммал луғатлар, мукаммал шарҳлар, дарслик ва қўлланмалар зарур. Телевидениемизда бир вақтлар машҳур бўлган «ғазал оқшоми" каби кўрсатувлар, олийгоҳларимизда махсус курслар бўлиши керак. Фақат шундагина Лутфий, Навоий, Бобур каби табаррук даҳолар ижодига яқинлаша оламиз, уларни англаймиз.***

***Мумтоз адабий меросимизни кенг тарғиб этиш, ушбу мавзудаги шарҳ ва таҳлилий мақолаларни, тадқиқотларни бундан кейин ҳам газетамиз саҳифаларида изчил ёритиб боришни мўлжаллаганмиз. Мақсадимиз адабий меросимиз талқинининг давр билан, шакл, жанр ёхуд тил билан боғлиқ бўлган муаммоли жиҳатларига ойдинлик киритиш ва бу улуғ ижодиётдан тушуниб баҳраманд бўлишда китобхонларга кўмаклашишдир.***

Ҳофиз ШЕРОЗИЙ

# СЎЗ СЕҲРГАРИ

*Аслиятдан таржима*

*Халқимиз азалдан Ҳофиз билан Навоийни, Фузулий билан Бедилни тенг кўриб, баб-баравар мутолаа қилиб келган. Юртимизда ҳофизхонлик, навоийхонлик, фузулийхонлик, бедилхонлик ниҳоятда машҳур бўлган. Форсий тилдаги адабиётга муҳаббат ҳозир ҳам баланд. Фақат энди бу адабиёт намуналарини ота-боболаримиз каби аслиятда эмас, балки таржима воситасида хатм этамиз.*

*Ўзбек ўқувчилари Ҳофиз ижоди билан ўз тилларида 1958 йили илк марта танишдилар. Шу йили ҳассос шоирнинг 82 ғазал, 40 рубоий, таржеъбанд ва соқийномасини ўз ичига олган «Ғазаллар» тўплами босилиб чиққан эди. Хуршид, Чустий, Муинзода таржималаридан иборат мазкур тўплам ўқувчилар томонидан илиқ кутиб олинди, адабий жамоатчилик уни ижобий баҳолади. Хусусан, Хуршид таржималари гўзал ва ҳофизона чиққан эди: у Ҳофизнинг руҳига кириб, дилини англаб, услубига калит топиб, шоирнинг оташнафас ғазалларини ўзбекчада ҳам аслиятдагидек жаранглата олган.*

*Ҳофиз шеърлари таржимаси кейинчалик ҳам тўхтаб қолган эмас. Ўтган салкам ярим аср мобайнида Васфий, Шоислом Шомуҳамедов, Жуманиёз Жабборов, Эркин Воҳидов, Жонибек Қувноқ, Мирза Кенжабек, Сирожиддин Саййид, Олимжон Бўриев, Ошиқ Эркин каби форсий сўз санъати мухлислари бўлган шоир-таржимонлар унинг ғазал, рубоий, қитъа, соқийнома ва таржеъбандларини ўзбекчалаштирдилар.*

*Биз ҳам устозлар йўлидан бориб, бу ринд шоирнинг 75 рубоийсини ўз арузий вазни билан таржима қилиб, ўқувчилар ҳукмига ҳавола этган эдик. Кейин шоир ғазаллари таржимасига ҳам қўл уриб, улардан бир дастасини нозиктабъ шеърхонлар эътиборига ҳавола қилишга журъат этдим.*

*Таржимон*

## ҒАЗАЛЛАР

Бир дилбари жононимиз олди-ку, дилу жонимиз,
Олди-ку дилу жонимиз бир дилбари жононимиз.

Берса ўпич жононимиз, қайта тирилгай жонимиз,
Қайта тирилгай жонимиз, берса ўпич жононимиз.

Чин равзаи ризвонимиз ёр эшигин тупроғидир,
Ёр эшигин тупроғидир чин равзаи ризвонимиз.

Бизнинг дили ҳайронимиз ошуфтаю шайдосидир,
Ошуфтаю шайдосидир бизнинг дили ҳайронимиз.

Ул Юсуфи Канъонимиз[1] ҳусн иқлимининг шоҳидир,
Ҳусн иқлимининг шоҳидир ул Юсуфи Канъонимиз.

Сарви боғу бўстонимиз зебо, келишган қомати,
Зебо, келишган қомати сарви боғу бўстонимиз.

Шу Ҳофизи хушхонимиз фазлу камол тимсолидир,
Фазлу камол тимсолидир шу Ҳофизи хушхонимиз.

* * *

Дўстлар базму висолин ёдда тут!
Ўтган ул кунлар хаёлин ёдда тут!

Бир вафоли дўст тополмайсан бу кун,
Ул вафо аҳли камолин ёдда тут!

Қилди ғам аччиғи оғзимни заҳар,
Жом жаранги, май зулолин ёдда тут!

Мен-ку ғамга чора топмай ёнаман,
Чорасиз ҳоли маҳолин ёдда тут!

Гарчи дўстлар мен фақирни эсламас,
Ҳар нафас дўстларни ҳолин ёдда тут!

Мен бало домига бўлдим мубтало,
Ҳақпарастлар саъй-жидолин ёдда тут!

Қолди Ҳофизнинг сири айтилмайин,
Сирдош улфатлар жамолин ёдда тут!

* * *

Жаҳонда бўлди одат бевафолик,
Бировда йўқ нишони ошнолик.

Ҳунар аҳли фақирлик ҳасратидан
Хасислар қошида қилгай гадолик.

Бу кун ҳар кимки донишманд жаҳонда,
Унга қисмат аламга мубталолик.

Киши жоҳилу нодон бўлса қанча,
Бу бозорда унинг моли баҳолик.

Ўқиб шоир чиройли шеърларини
Кўнгилларга улашса рўшнолик;

Тариқча хайру эҳсон айламаслар,
Санойидек[2] агар шеъри сафолик!

Кеча ақлим қулоғимга шивирлар:
«Чида, кетмас бошингдан бенаволик!»

Кел, эй Ҳофиз, бу пандни тингла жондан,
Адо қилгунича шеърга фидолик.

* * *

Зоҳиди хилватнишин келди кеча майхонага,
Тавбасин синдирди-ю, чўзди қўлин паймонага.

Давра сўфийси кеча жомларни синдирган эди,
Қатра май ичди-ю, айланди яна фарзонага.

Ёши ўтган борки, ғафлат баҳрига чўмган эди,
Кексаликда дўнди қайта ошиқи девонага.

Дину дил овлаб юрар эрди туну кун муғбача[3],
Ёр йўлида айланибди ҳаммадан бегонага.

Гул юзининг оташи куйдирди булбул хирманин,
Шамъни кулган чеҳраси офат эрур парвонага.

Кеча-кундуз йиғлагандик, шукр, зоеъ кетмади:
Қилди тенг кўз ёшимиз ҳар қатрасин дурдонага.

Сеҳру жоду оятин ўқийди соқий кўзлари,
Ҳалқаи авроД[4] берар жой мажлиси афсонага.

Энди Ҳофиз манзили подшоҳлар даргоҳидир,
Кетди дил дилдор билан, боғланди жон жононага.

Форс тилидан
Эргаш ОЧИЛОВ таржималари

**ИЗОҲЛАР**

**1.Юсуфи Канъон** — Канъонлик Юсуф, яъни Юсуф алайҳиссалом. Диний-тасаввуфий адабиётларда айтилишича, Оллоҳ таоло ҳуснни юз ҳисса қилган. Тўқсон тўққиз қисмини Момо Ҳавога бериб, бир қисмини бутун дунё аҳлига раво кўрган. Шу бир улушни яна ўнга бўлиб, тўққиз қисмини Юсуф алайҳиссаломга ва бир қисмини бани башарга берган. Бинобарин, Юсуф алайҳиссаломда бутун инсониятда мавжуд ҳусндан тўққиз баробар ортиқ ҳусн бор. Шунинг учун ҳам у ҳусну малоҳатда тенгсиз бўлган, ҳусн иқлимининг шоҳи ҳисобланган; **2.Саноий** — машҳур форс мутасаввиф шоири Абдулмажд Маждуд бинни Одам Саноий (1048—1141). Ҳаким Саноий номи билан машҳур бўлган; **3. Муғбача** — муғлар, яъни оташпарастлар хизматидаги бола. Сўфиёна адабиётда содиқ мурид, чин ошиқ ва соқий тимсоли; **4. Ҳалқаи авроД** — зикр ҳалқаси, доимий зикр.

# СОТТИ ҲУСАЙННИ ЁД ЭТИБ...

Яқинда Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтида "Шаҳидлар хотираси" хайрия жамғармаси билан биргаликда таниқли танқидчи ва адабиётшунос Сотти Ҳусайн туғилган куннинг 100 йиллигига бағишланган илмий анжуман ўтказилди. Унда институт ходимлари, таниқли танқидчи ва адабиётшунослар ҳамда Сотти Ҳусайннинг фарзандлари иштирок этишди.

Илмий анжуманни "Шаҳидлар хотираси" хайрия жамғармаси раиси, профессор Наим Каримов кириш сўзи билан очиб, Сотти Ҳусайннинг шўро давлатига танқидчи ва адабиётшунос сифатида хизмат қилганига қарамай, 1941 йили қамоққа олингани ва орадан бир йил ўтгач, 1942 йил сентябрида отиб ташланганига эътиборни қаратди, йиғилганларни тергов материалларида ўз аксини топган олим ҳаёти ва фаолиятининг номаълум саҳифалари билан таништирди. Шундан кейин Қўқондаги маҳаллаларнинг бирида Сотти Ҳусайн билан қўшни бўлиб яшаган академик Азиз Қаюмов таниқли танқидчи ҳақидаги хотираларини сўзлаб берди. Академик Бахтиёр Назаровнинг нутқи эса 37 ёшида умри хазон бўлган Сотти Ҳусайннинг ўтган асрнинг 20-30-йилларидаги адабий танқидчилик тарихида тутган ўрнини ёритишга бағишланди. Нотиқ Сотти Ҳусайн танқидчилик фаолиятининг муҳим қирралари, ижобий ва салбий томонлари, шўро даври мафкураси билан уйғунлашиб кетган қарашларини таҳлил этди.

Филология фанлари доктори Ғаффор Мўминов Сотти Ҳусайннинг илк ҳамзашунос олим сифатидаги фаолиятига атрофлича тўхталган бўлса, филология фанлари номзоди Шерали Турдиев Сотти Ҳусайннинг 30-йиллар танқидчилигида анчагина шов-шувга сабаб бўлган илмий-тунқидий қарашларини, яъни Абдулла Қодирийнинг "Ўтган кунлар" романи ҳақидаги рисоласини, ундаги ижобий ва салбий томонларни кенг шарҳлаб берди.

Сотти Ҳусайннинг ижодий фаолиятида драматургия ҳам катта ўринни эгаллайди. Унинг драматик асарлари ва театр спектаклларига ёзган тақриз ҳамда мақолалари борасида санъатшунослик номзоди Сирожиддин Аҳмад атрофлича тўхталиб, мунаққиднинг эстетик қарашларига доир мулоҳазаларини илмий жамоатчилик ўртасига ташлади.

Анжуманда Сотти Ҳусайннинг фарзандлари ҳам сўзга чиқиб, оталарининг инсон ва ижодкор сийратларини тушунишга ёрдам берадиган хотираларини сўзлаб бердилар. Анжуман қатнашчилари Сотти Ҳусайн, Отажон Ҳошим сингари шўро даврида яшаб ижод қилган таниқли танқидчи ва адабиётшунос олимларнинг адабий меросини мутахассислар учун тегишли илмий шарҳ ва изоҳлар билан нашр этиш лозим, деган қарорга келди.

**Шоира ДОНИЁРОВА**

*Доимий ҳамроҳ*




Етук мунаққид, фидойи олим, шогирдпарвар устоз Умарали Норматов номини билмаган, мақолаларини ўқимаган ҳафталигимиз ўқувчиси топилмаса керак. Домла 50 йилдан бери ғайрат ва илҳом билан жўшиб ижод қилиб келаётир. Унинг матбуотдаги биринчи мақоласи "Ёш прозаикларнинг баъзи ютуқ ва камчиликлари" "Ўзбекистон маданияти"нинг 1957 йил 23 март сонида босилган. Демак, адабий танқидчи Умарали Норматовни адабиёт газетаси кашф этган. Ҳозиргача олимнинг 200 мақоласи бизда эълон қилинган. Устоз У.Норматов ижодий фаолиятига доир бу маълумотлар куни кеча "Университет" нашриётида чоп этилган "Умарали Норматов" номли библиографик кўрсаткичдан олдик. Китоб профессор Ҳ.Болтабоевнинг олим ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишланган "Етук мунаққид фаолияти саҳифалари" мақоласи билан бошланади. Тўпламда профессор У.Норматов қаламига мансуб монография, тўплам ва рисолалар, дарслик ва ўқув қўлланмалар, тўпламлардаги мақолалар, сўзбоши ва сўнгсўзлар, газета ва журнал мақолалари, муҳаррирлик ишлари рўйхати келтирилган. Саккизинчи бўлимда эса, олим раҳбарлик қилган номзодлик ва докторлик диссертациялари рўйхати келтирилган. Библиографияда Умарали Норматов ижоди, алоҳида асарлари юзасидан эълон қилинган мақола ва тақризлар ҳам қамраб олинган.

Рисоланинг масъул муҳаррири — филология фанлари доктори Баҳодир Каримов; тузувчилар: Ш.Норматова, Ш.Эргашева.

# «ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ»

## *ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ*

**юртимиз журналистларини Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан самимий муборакбод этади.**






*Журналист ҳам оғир, ҳам масъулиятли ва шарафли касб эканлигини яхши биламиз. Эл эътиборидаги ана шундай фидойи ижодкорларга соғлиқ-омонлик, илҳом ва ижодий муваффақиятлар тилаймиз!*





**Истиқлолимизни кўз қорачиғидай асраш, мамлакатимизни иқтисодий юксалтириш ҳаммамиздан, хусусан, қалам аҳлидан ҳам фидойиликни талаб этади. Сўзингиз ҳамиша холис, фикрингиз ўткир ва таъсирчан бўлсин.**

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи

# «ВАТАНПАРВАР»

## ташкилоти

**матбуотимизнинг жонкуяр ва фидойи ходимларини касб байрами билан чин юракдан муборакбод этади.**








Ватанимиз тараққиёти ва мудофаа салоҳиятини оширишда сизнинг ҳам муносиб ҳиссангиз бор.
Ижодий илҳом, ташаббускорлик ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин.
Тинч ва осуда ҳаётимизни тараннум этишдан чарчаманг.

---

Сурхондарё вилояти
Денов туманидаги



# «ЛОЧИН-Д»

## очиқ турдаги акциядорлик жамияти



*матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларини касб байрамлари билан самимий табриклайди.*

*Сизларга мустаҳкам соғлиқ, аъло кайфият, жўшқин илҳом ва шахсий ҳаётингизда бахт ва омад ҳамиша ёр бўлсин!*



---



# «ЧАҒОНИЁН»

## ИЖОДКОРЛАРИ


ЧАҒОНИЁН

*барча ҳамкасбларимизни, зиёлилар, адиб ва шоирлар, миллий матбуотимиз равнақига муносиб ҳисса қўшаётган мўътабар устозларимизни касб байрамимиз билан самимий муборакбод этади.*

*Истиқлол йилларида мамлакатимизда эркин матбуот ривожига алоҳида эътибор берилмоқда. "Чағониён" — ана шу ғамхўрликнинг самарасидир. Биз сизларнинг тажриба ва маҳорат мактабингизга ҳамиша суянамиз. Жонкуяр, изланувчан, мустақил фикрли сафдошларимиз билан ҳамкорлигимиз бундан буён ҳам давом этади.*


ЧАҒОНИЁН
«ЎЗБЕКИСТОН — МАРКАЗИЙ ОСИЁДА БАРҚАРОРЛИК ВА ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШГА ҚОДИР БЎЛГАН КУЧ»




**Асло толманг, ҳамиша омон бўлинг. Тан-сиҳатлик, яхши кайфият, оилавий бахт умр йўлларингизни асло тарк этмасин, азиз ҳамкасблар!**

бадиа

# ОНАЖОН

Она меҳрини ўлчаб бўлмагани каби, оналик бурчининг залворини ҳам ҳеч нарсага қиёслаб бўлмайди.

Бу ҳақда ўйласам, онажон, сизнинг фариштадек чеҳрангиз кўз олдимда намоён бўлади. Сизни соғинаман, соғинчларимни ифодаламоқчи бўламан. Аммо нимадан бошлашни, қандай бошлашни билмай қийналаман. Кулиб турувчи чеҳрангиз, меҳр тўла кўзларингиз олдида мен топган сўзлар ниҳоятда рангсиз туюлади.

Сиздан ёдгор бўлган ҳар буюм менга қадрдон. Гоҳида бир оғиз илиқ сўздан севинчга тўлсам, баъзан арзимаган нарсага ҳам қаттиқ куяман — бу туйғу сиздан мерос, онажон.

Эҳ, куюнчагим, бир озгина совуққон ва яна бепарвороқ бўлсангиз нетарди? Ҳар бир томирингизда меҳр ва эзгулик дарёси оқарди, кўнгилларга фақат яхшилик уруғини экардингиз. Уйингизга ҳатто кичик набираларингиз келганда ҳам дастурхон тузаб, атрофида парвона бўлардингиз.

Бизни суйиб эркалаган тафти баланд қўлларингизни соғиндим. Шу қўллар билан бизни, набираларингизни йўргаклагансиз, ширмой нонлар ёпгансиз. Отамга тўн, укамга куёвлик, бизларга келинлик либослари тиккансиз...

Жуссангиз кичик эди. Лекин тоғлар юксаклиги, қиру далалар кенглигини сизнинг қалбингизда кўрардим. Қанчадан-қанча заҳматларга чидаган бардошли аёл эдингиз, эҳ сиз, жонбахшим менинг.

Баъзан сиқилганимда, рўзғор, тирикчилик ташвишлари оғирлик қилиб қолганда, кеч бўлса-да, ҳузурингизга шошардим.

— Онажон, узр, тўсатдан келдим, — дердим қимтиниб, — тузукроқ нарса ҳам пишириб келолмадим. Сизни кўргим келди.

Жилмаярдингиз, кафтимни силардингиз, бармоқларингиз титрар эди. "Ҳеч нарса керакмас, ўзинг келибсан, бўлди. Қизингга кўйлак тикиб қўйгандим, мана", дердингиз.

Ўзингизга арзон, одмигина кийимларни танлардингиз. Энг яхши, асл матоларни бизга атардингиз. "Менга шу ҳам бўлади", дер эдингиз. Онажон, ахир сиз ҳаммадан яхшироқ кийинишингиз мумкин эди-ку! Сизни ял-ял ёниб, башанг кийиниб юрганингизни ҳеч эслай олмайман. Тўй-ҳашамларга ҳам кўп чиқавермасдингиз, бизларни юборардингиз. Қанчалар мулоҳазали, босиқ ва вазмин эдингиз-а.

Биз — ўн фарзандингиз чуғурлашиб, бир-биримизга навбат бермай баҳслашаётганимизда, майингина жилмайиб қараб ўтирардингиз. Ҳар замонда: "Сен нотўғри гапираяпсан, қизим, опангнинг гапига қулоқ сол", деб қўярдингиз.

Сизнинг дардингиз йўқмиди, қалби дарёгинам! Ҳатто уммону дарёлар ҳам ўзанига сиғмай тошади. Сизнинг ошиб-тошганингизни ҳеч кўрмадим, уммонлардан кенг юраклигим. Бетоб бўлганингизда бирор марта инграганингизни эшитмаганман. Жимгина тишингизни-тишингизга қўйиб ётардингиз. Болаларим қўрқмасин, дермидингиз ёки отамни аярмидингиз?

Кўча-кўйда ёки қўшнилар орасида ночор одамларни кўрсангиз, тоқат қилолмасдингиз. Қаҳратонда сарпойчан юрган қўшнимизга отамнинг қўнжи узун хиром этигини бериб юборганингиз учун эртасига отамнинг койинганлари эсимда.

* * *

Йиллар ўтган сайин сизни янада кўпроқ соғина бошладим. Нега бундай экан? Ўзимнинг ҳам ёшим улғайгани учунми? Байрамларда, Хотира кунида уйимизга тўпланамиз. Суҳбатимиз фақат сиз ҳақингизда бўлади. Ҳаммамиз хаёлларга бериламиз, ҳаммамиз бир кишини эслаймиз. Мен жим ўтираман, нимадир бўғзимга тиқилгандай бўлади, гапиролмайман. Чунки сизни ранжитган дамларим ҳам бўлган-да. Кечиринг, онажон! Биламан, кечиргансиз. Лекин шундай бўлса-да, дарвоза олдида мунғайиб кузатиб қолганингиз, орадан шунча вақт ўтса ҳам кўзимга кўринаверади.



Ўшанда сиз қарши бўлсангиз ҳам, ўқишга бораман, деб туриб олгандим. Тошкентда ер қимирлаган йиллар эди. Кун ора радиодан зилзила ҳақида хабарлар айтилиб турарди. Лекин ёшлик экан-да, на ер қимирлаш, на бошқа нарса мени қайтаролмади. Ҳужжатларимни тўпладим-да, ҳамроҳларим билан жўнаб кетдим. Ўша дамда қандай ҳолга тушганингизни она бўлганимдан кейин англадим... Мен ўқишни битиргунча сочларингизда оқ толалар пайдо бўлди. Таътилга борганимда бир даста газетани қўлимга тутардингиз: "Буларни кўрганмисан, ёзганларинг чиқибди". Ўшанда кўзларингиз чақнаб, чеҳрангиз очилиб кетарди, бошимни силаб эркалардингиз...

Онажоним, сиз баҳорда чўлу адирларда гуллайдиган қўзигулга ўхшардингиз. У сира бошқа гулларга ўхшамайди, кичкинагина, бежирим. Сиз ҳам чўл фарзанди эдингиз. Боболарим чорвадор бўлишган. Отам ҳам туёқ изидан бориб, сиз билан танишган, уйланиб қишлоғига олиб келган экан. Отажоним сизни жуда қаттиқ суярдилар. Бунга бир неча бор гувоҳ бўлганман. Ўнинчи синфда ўқиётганимда бетоб бўлиб қолдингиз. Касалхонада ётгандингиз. Бир куни тонг пайти отамнинг ким биландир гаплашаётганини эшитиб уйғониб кетдим. Бошимни кўтариб қарасам, ҳеч ким йўқ. Отам жойнамоз устида Худога илтижо қилаётган экан: "Эй, Парвардигор, уни олсанг мени ҳам қўшиб ол, усиз ҳаётнинг менга кераги йўқ"... Ўшанда бошимни кўрпага буркаб роса йиғлаганман...

Қиши билан ип йигириб, гилам тўқирдингиз. Вояга етгач, бизларга ҳам ўргатдингиз. Рўзғорда бирор камчилик сезилса, ўша гиламлардан бирини сотардингиз. Буларни ўйласам, сизнинг олдингизда узолмаган қарзим нақадар кўплигини ҳис қиламан. Чунки мени гилам сотиб ўқитгансиз. Бу қарзларни узиш учун сиз каби яхши одам бўлсам, эл-юртимга, Ватанга хизмат қилсам, руҳингиз шод бўладими, онажон?! Қабрингизни силаб қўйсам, тупроғингиз енгил бўладими, онажон! Даста-даста гуллар қўйсам шодланасизми?

Ана чеварангиз ҳам гул олиб келяпти.

* * *

Яна қабрингизга гул қўйгани келдим, онажон. Сиз кўрмаётган бўлсангиз ҳам руҳингиз шод бўлишига ишонаман. Сиз ҳаётни, гулларни, одамларни севардингиз. Қаранг, қабрингиз гулларга тўлиб кетибди. Бу қилган яхшиликларингиз, саховатингиз, қалбингиздаги эзгуликлар мукофоти эмасми?

Кеча ҳовлимиз ўрнини кўргани бордим. Сизни соғиндим. Изларингизни кўзимга суртгим келди. Гарчи ҳозир эски уйимиз бузилиб кетган бўлса-да, атрофлари девор билан ўралган кафтдек ерга тикилиб, кунни шу ерда кеч қилдим. Нима қилай, сизни фақат шу ердан топсам.

Ана девор тагида қизғиш тупроқ кўриниб турибди. Бу ерда тандир, ўчоқ бўларди. Шу ерда эртадан кечгача куймаланар эдингиз. Оппоқ юзларингиз олов тафтидан қизариб кетар, сиз эса парво қилмай тандир-тандир нон ёпардингиз, бир-биридан мазали таомлар пиширардингиз.

Баъзида Оллоҳ сизни нимадан яратган экан, деб ўйлаб қоламан ва шундай жавоб топаман: нурдан, ҳа, сиз нурдан яралган эдингиз. Кириб борган жойингизда ёруғлик, нурли хотиралар қоларди. Одамлар билан тез тил топишардингиз. Талабалик йилларим дугоналарим тез-тез келиб туришар эди. Улар сиз билан дарров апоқ-чапоқ бўлиб кетарди. Ҳаммасига бир хил кийимлар совға қилардингиз. Дугоналарим эса кетиш олдида "Онангни ташлаб кетгимиз келмаяпти", деб қайта-қайта суратга тушишар эди. Адолат дугонам: "Онанг Абдулла Қодирий тасвирлаган аёлларга ўхшайди", дерди. Сиз одамларни қадрлашни билардингиз, ҳеч кимдан меҳрингизни аямасдингиз. Бир куни қайсидир байрам арафасида уйимга олиб кетаман, деб бордим. Очилиб-сочилиб кутиб олдингиз ва ичкари уйга ишора қилиб:

— Боролмайман, меҳмоним бор, — дедингиз. — Сулув чечанг келган, бечора чарчаб кетибди, дам оляпти, шунча йўлдан мени деб келган.

— Сулув чечам, ахир у киши ҳар куни шу ерда-ку. Сиз келгунча келин қараб туради, ёлғиз қолмайди. Майли, десангиз уни ҳам олиб кетамиз (Сулув чечам узоқ қариндошимизнинг хотини, озроқ савдойилиги ҳам бор эди)...

— Йўқ, болам бошқа пайт бораман, чечанг мени деб келибди. Ёнида бўлиб, кўйлак-пўйлак тикиб берайин, сен хафа бўлма.

Онажоним, қўл учида иш бажарувчиларни, тилёғламаларни ёмон кўрардингиз. Бир куни отам боғ деворни янгилатиш учун мардикор олиб келди. Улар бир кун ишлаганларидан кейин отамга: "Буларнинг жавобини беринг, алдам-қалдам ишларкан", дедингиз. Отам индамади. Девор ҳақиқатан узоққа бормади...

Қайсидир йили ютуқ чиққан лотереямизни почтачи алмаштириб қўйганди. Сиз буни сезсангиз ҳам индамагансиз. Кечқурун гумонингизни айтганингизда отамнинг жаҳли чиқиб:

— Билиб туриб индамай ўтиравердингми?.. — дея койиди.

— Худога солдим, индамай туринг-чи, — дедингиз.

Орадан ҳеч қанча ўтмай, почтачи қандайдир қинғир иши учун қамалиб кетди. Отам баъзан ҳазиллашиб, "Онанг авлиё", дерди. Укам ўқишга кирадиган йили, имтиҳон натижалари айтиладиган кун "Бугун кўпроқ нон ёпинглар, эртага қариндошлар Ҳасанни табриклагани келишади, ҳамма ишга улгура олмай қоласизлар", дедингиз. Чўт қоқиб ўтирган отам ялт этиб қаради-да:

— Эй, ҳовлиқмай тур, Ҳасан олдин ўқишга кирсин, кейин бир гап бўлар, — деди. Сиз эса ишонч билан: "Киради, аниқ киради, туш кўрдим", дедингиз. Тушингиз рост бўлиб чиқди.

Юз ёшни қоралаган бобомдан тез-тез бориб, хабар олиб турардингиз. Кўпинча сизга ҳамроҳ бўлардим. Тансиқ таомлар пишириб борар эдингиз. Бобом узундан-узоқ дуо қилардилар. Охирги борганимизда йўлга чиқаётиб, кўзларингизга ёш олдингиз, бобомни силаб-сийпалаб узоқ хайрлашдингиз. Ҳолбуки, бобом соппа-соғ, фақат кексаларга хос бироз инжиқроқ эди. Кўзингизда ёш билан кўчага чиқдингиз ва менга: "Бобонг билан охирги кўришувимиз", дедингиз. Бир-икки кундан кейин бобомни тупроққа қўйдик...

Рўзғоримизда ҳамма нарса тўкис бўларди. "Пул йўқ, ҳеч вақо қолмади", деган гапни билмасдингиз. Бу сизнинг эпли-шудли аёл эканингиз, тадбиркорлигингиз туфайли эди, онажон. Бир гал борганимда эшик олдида каттагина сумка кўтариб чиқиб кетаётган аёлни учратдим. Кейин билсам, у аёлга бозорда сотиш учун нон ёпадиган рапида, енгча ва бошқа нарсалар тикиб бераркансиз...

Онагинам, меҳр-оқибатли эдингиз. Ҳимматингиз юксак, ҳамманинг кўнглини олгингиз келарди. "Фалон амманг бетоб эмиш, бир кўриб келайлик, юпқа пишириб тураман. Амманг яхши кўради, эртага келгин", дердингиз...

* * *

Онажоним, бебаҳоим, қимматлигим! Сизнинг меҳрингиз, фазилатларингиз юрагимдан ҳеч қачон ўчмайди. Сиздек аёл ва сиздек она бўлиш ҳар бир қиз учун бахтдир. Аслида ўзини англаганлар учун бахтдан ҳам зиёдадир. Шунинг учун ҳам сиз каби она бўлишга ҳаракат қиламан. Қанийди, ниятларим ижобат бўлиб, орзуимга етолсам...

Руҳингиз ҳамиша шод бўлиб юрсин, онажон!

**Бўстон РАҲМОНОВА**

Дунё—кенг...



## БЕРМУД УЧБУРЧАГИ СИРИ

**Улкан табиий офатлар орасида энг хатарли ва энг сирли бўлиб қолаётгани Бермуд учбурчагидир. Дунё бугунгача сайёрамиздаги ўта хатарли бу ҳудуд билан боғлиқ офатга бундан олтмиш йил олдин дуч келган эди. Шундан бери Флорида, Пуэрто-Рико ва Бермуд ороллари оралиғидаги ушбу мудҳиш ҳудуд ҳақида жуда кўп тахминлар айтилди, тадқиқотлар қилинди, ҳатто афсунгару коҳинларнинг башоратлари борасида баҳс-мунозаралар ҳануз тингани йўқ. Бутун-бутун кемаларни, парвоздаги самолётларни таг-туби билан ютиб юборган бу "учбурчак аждаҳо"нинг сирини билишга бўлган қизиқиш сусайгани йўқ, шунингдек, ҳалокатли бу ҳодиса навбатдаги қурбонларини кутаётгани ҳам сир эмас.**

Хуллас, Бермуд учбурчаги билан боғлиқ тахминлар жуда кўп. Уларнинг энг сўнгиларидан бири рус олими Николай Коровяковга тегишли. Мазкур ҳодиса сири борасида унинг айтган тахминлари кучли мантиққа асослангани билан эътиборга лойиқ. Қуйида Н.Коровяковнинг Бермуд учбурчагига доир тахминларидан келиб чиқадиган айрим хулосалар билан танишасиз.

Аввало шуни айтиш жоизки, Бермуд учбурчаги сайёрамизда ягона эмас. Ерда бундай хавфли зоналар яна ўнта жойда мавжуд. Матбуотда Бермуд учбурчаги ҳақида жуда кўп ёзилгани боис, кўпчилик фақат уни билади.

Америкалик гидрогеолог А.Сандерсон Ер шарининг шимолий кенглиги 30-параллели бўйлаб бири биридан айнан бир хил масофада жойлашган ана шундай хавфли зоналарни аниқлаган ва улар ҳозирда Сандерсон зоналари, деб юритилади. Бу зоналарда Бермуд учбурчагидан кўра кўпроқ бахтсиз ҳодисалар рўй бериб туради.

Демак, Атлантика океанидаги ўша машъум Бермуд учбурчагидан ташқари, Тинч океанининг Калифорния қирғоқларидаги ҳамда Япониядан жанубдаги шундай аномал ҳудудларда ўнлаб кемалар дом-дараксиз йўқ бўлиб кетган. Яна бир шундай зона — Покистон ва Афғонистон чегарасидаги тоғли вилоятда бўлиб, Иккинчи жаҳон уруши пайтида бир неча ҳарбий самолётлар ном-нишонсиз йўқолган. Жазоир — Марокаш ҳудудидаги аномал зонада эса неча бор туя карвонларини "ер ютиб" кетгани маълум.

Ернинг жанубий ярим шари 30-параллелида ҳам худди шимолий ярим шардаги каби бешта Сандерсон зонаси бор. Уларда рўй берган ҳалокатлар, яъни дом-дараксиз кетган кемалар ҳам бир неча бор қайд этилган.

Бу зоналар қандай пайдо бўлган? Сандерсон уларни биринчи бўлиб аниқлаган ҳамда қайд этган бўлса-да, ушбу машъум ҳодисалар сирини тушунтириб беролмаган. Н.Коровяков Ернинг Қуёш атрофида айланиши акс этган ўзининг динамик моделига асосланиб, ана шу ҳодисани тушунтиришга уринган.

Одатда биз Ернинг Қуёшга тортилиши ҳақида гапирганда, Ерни яхлит, битта думалоқ шар сифатида тасаввур қиламиз. Ваҳоланки, Ер бир-биридан алоҳида бўлган атмосфера (тош қобиқ), магма (қайноқ суюқлик) ва ядродан тарқиб топган. Ер Қуёш теварагида айланганда мана шу уч алоҳида мавжудликнинг ҳар бири ўз ҳолича Қуёшга тортилади ва улар бир-бирига нисбатан мураккаб ўзаро ҳаракатда бўлади. Н.Коровяков ана шу ҳаракатни ўрганишга интилган. Унинг тажрибаларида аён бўлишича, ядро замин қаъридан Ернинг юқори қисмига яқинлашганда шимолий ва жанубий ярим шарлардаги бештадан ўнта аномал зонада жуда катта кучланиш рўй беради. Ўнта Сандерсон зонаси — ана шу табиат ҳодисасининг ўзи, дейди олим.

Ядро Сандерсон шимолий зоналаридан узоқлашганда беҳад улкан магма оқимини ҳам ўзи билан олиб кетади ва шунда бу зоналарда гравитация ҳодисаси, яъни Ернинг ўзига тортиши беҳад кучайиб кетади. Агар ана шундай кунларда бу зоналарда кемалар пайдо бўлса ёки улар устидан самолётлар учиб ўтса, шубҳасиз, улар ер қаърига тортилиб кетиши тайин.

Хуллас, биз Бермуд учбурчаги деб билган табиий офатнинг сири ҳали тўла-тўкис кашф этилгани йўқ. Юқоридаги тахмин эса ўша ҳодисани мантиқан тушунтиришга бир ҳаракат, холос.

# ФУТБОЛ — МАДАНИЯТ ҲАМ...





Бразилиялик машҳур футбол тренери Загало мухбирлар билан бўлган суҳбатларидан бирида "Агарки бу ўйин бўлмаганида дунё жуда ҳам зерикарли бўлар эди" деган. Бу гап нақадар тўғри эканлигига шу кунларда яна бир бор ишонч ҳосил қилиб турибмиз.

Жаҳон биринчилиги мусобақалари мезбон мамлакат ҳаётини бутунлай ўзгартириб юборди, дейди кузатувчилар. Дарҳақиқат, бугун бу ерда тамомила бошқача руҳ, кайфият ҳукмрон. Бу руҳ иккинчи жаҳон уруши тугаганидан бери бу қадар баланд бўлмаган эди. Ҳатто Берлин девори қулаганида ва уруш сабаб иккига ажраб қолган миллат қайта бирлашганида ҳам бундай кўтаринкиликка эришилмаган эди.

Немис матбуотининг ёзишича, футбол ўйини боис ватанпарварлик туйғуси жўш уриб кетган. Немис командасининг зафарларидан чексиз ифтихор қилган мутахассислардан бири "Бир вақтлар миллатчилик, миллий кибру ҳаво миллатни хароб қилган эди, бугун эса биз бу гўзал ўйин туфайли дунёга ўзимизни, эришган ютуқларимизни, қудратли иқтисодга эришиш йўлида собитлигимизни намойиш этмоқдамиз", деб таъкидлаган.

Бу фикрда жон бор, албатта. Бундан тўрт йил аввал Жанубий Корея ҳам айни футбол туфайли дунёга ўз мавқеини, бўйи-бастини, мамлакатнинг бугуни ва эртасини кўрсата олган эди. Мана шу мисолнинг ўзиёқ футбол деганлари қанчалар ҳис-ҳаяжонли, шовқин-суронли ўйин бўлмасин, у миллатни қовуштиришга, миллий тараққиёт шаштини кўтаришга, дунё мамлакатларини бир-бирига яқинлаштиришга ҳам қодир эканлигини кўрсатиб турибди. Яқиндагина мамлакат федерал канцлери этиб тайинланган Ангела Меркел хоним стадионга келиб, немис футболчиларининг тезкор ўйинини томоша қилар экан, кўнглидан айни шу гаплар ўтаётган бўлса ҳам ажаб эмас.



Францияда эса бутунлай бошқача ҳолат. Терма жамоа бу сафар ҳам дуруст ўйин кўрсата олмаяпти. Афтидан футбол юлдузларидан иборат жамоа билан "юлдуз жамоа"нинг фарқи бор, шекилли-да. Таркибида Анри, Зидан каби машҳур футболчилар бўлган команда Того жамоасини бир амаллаб ютгани бунинг исботи эмасми? Афтидан, кейинги пайтларда мамлакатда содир бўлаётган тартибсизликлар футболчиларнинг ўйини савиясига ҳам таъсир кўрсатган чоғи... ўз вақтида Бразилия дарвозасига кетма-кет гол уриб, «Олтин тож"га сазовор бўлган францияликларнинг эртага бўладиган ўйини шу жиҳатдан ҳам катта аҳамиятга эга.

Эчкига жон, қассобга ёғ қайғуси деганларидек, футболчилар мухлисларини ранжитиб туришган бўлса ҳам, мамлакат тадбиркорлари бўш келишаётгани йўқ. Нима бўлганда ҳам, бундай имкониятдан унумли фойдаланиб қолиш керак-ку. Улар шундай дея... экрани катта, йирик телевизорларни сотувга чиқара бошлаганлар. Гўёки катта экранда футболчилар яхши ўйин кўрсатиб, рақибларини пақќа-пақќа ютиб ташлайдигандай. Қизиғи, уларнинг бу тадбири самара бера бошлаган — харидорлар баҳоси 600 еврогача оширилган рангли телевизорларни кўплаб харид қилмоқда эканлар.

Россия ва Туркияда аҳвол қандай деярсиз. Қандай бўларди, бу мамлакатларнинг терма жамоаларига бу гал омад кулиб боқмади. Сўнгги дақиқаларгача жаҳон биринчилигига йўлланмани қўлга киритиш умиди бор эди, аммо насиб қилмаган экан-да. Шу ерда бир мулоҳазамиз бор. Ғарб мамлакатларида, бордию терма жамоа бирор бир турнирда, масалан жаҳон ёки қитъа биринчилигида кутилган натижага эришмаса, жамоа раҳбари билан тузилган шартномани эртасигаёқ бекор қилишмайди. Аксинча, йўл қўйилган хатоларни тузатишига имкон яратиб беришади. Россияда эса бунинг тамомила аксини кўрамиз. Бошқа соҳаларни билмадим, аммо футболда мукаммал жамоани шакллантириш учун камида уч-тўрт йил керак бўлади.

Португалиялик ишқибозлар ўз командаларининг зафарли юришига нисбатан босиқ муносабатда бўлмоқдалар. Бунинг сабабини кузатувчилардан бири шундай изоҳлайди: "Терма жамоамиз нечоғли катта муваффақиятларга эришмасин, мамлакат иқтисодиёти олдида турган муаммолар ўзгаришсиз қолаверади. Бир яхши томони шундаки, жаҳон биринчилиги мусобақалари маълум маънода одамларни шу муаммолардан чалғитиб турибди..."

Футбол бўйича ҳар галги жаҳон биринчилиги нимаси биландир мухлислар, мутахассислар ёдида қолади. Энг муҳим ўйинлар тақдирини ҳакамларнинг "хато"лари ҳал қилган жаҳон биринчиликларини яхши эслаймиз. Баъзида асосий кураш яшил майдонда эмас, футбол корчалонларининг кўздан пана жойлардаги хуфёна учрашувларида ҳал бўлади. Гоҳо қайсидир мураббий ҳали ҳеч кимнинг хаёлига келмаган ўйин тактикасини қўллайдию улоқни олиб кетади. Жанубий Корея ва Японияда ўтган аввалги биринчиликда ҳакамлар майдон эгаларига алоҳида "иззат-икром" кўрсатишди. Буни, айниқса, италияликлар яхши биладилар. Хўш, бу галги беллашув қайси жиҳати билан тарихга кириши мумкин?

Бу саволга "қизил карточкалар" билан деб жавоб берса бўлади. Таассуфки, ўйинчилар бир-бирларини аямай, ошкора қўполлик қилмоқдалар. Юқоридан келаётган тўпни қабул қилиш учун сакраганда, гўёки ўзи билмаган ҳолда, рақибнинг юзига тарсаки тортиб юбориш, оёғига тепиш, жарима майдонида чалиб йиқитиш оддий бир ҳол бўлиб турибди. Ҳакамлар бир ўйинда икки-учтадан қизил карточка кўрсатишга мажбур бўлмоқдалар. Хусусан, бугун жиддий мунозараларга сабаб бўлаётган Португалия — Голландия учрашувида тўртта ўйинчининг майдондан чиқариб юборилиши жаҳон биринчиликларининг ўзига хос янги рекорди бўлди. Россиялик ҳакам Валентин Ивановнинг бундай қарори футбол мутахассислари, ФИФА томонидан қандай баҳоланмасин (Матбуот анжуманида Блатнер жаноблари бундай қилганлиги учун ҳакамнинг ўзига ҳам қизил карточка кўсатиш керак, деган фикрни айтган), футбол тобора қўполлашиб, гоҳида очиқ жиққамуштга айланиб бораётгани аниқ бўлиб қолди. Жаҳон биринчилиги яна саккиз ўйиндан кейин ниҳоясига етади. Ҳакамлар шу кунгача қоидабузарларни 307 марта огоҳлантирганлар, 24 ҳолатда эса майдондан четлаштирганлар. Ҳозирнинг ўзида бир неча истеъдодли ўйинчи (масалан Майкл Оуэн) жиддий жароҳат олиб, сафдан чиқишга мажбур бўлди. Кузатувчиларнинг фикрича, ФИФА бу масалада ўзининг қатъий сўзини айтиши керак. Зеро, мамлакат терма жамоаси сафига кириш учун йиллар давомида узлуксиз машқ қилиш лозим бўлади. Ана шу орзуга етган бир пайтда қоидабузарлик туфайли яшил майдонни тарк этиш ҳар қандай кишига оғир ботади.

Мақолага шу жойда нуқта қўймоқчи эдик, аммо бунинг иложи бўлмади. У ёқда жаҳон биринчилиги давом этаверсин, энди икки оғиз сўзни ўзимизнинг миллий чемпионатимиздан эшитинг.

Ушбу сатрлар қоғозга тушаётганида телевидениемизда мамлакат биринчилигида фаол иштирок этаётган икки илғор жамоа ўртасидаги навбатдаги учрашув намойиш этилди. Ҳар иккала команда ғалаба қозонишга астойдил ҳаракат қилишди. Аммо...

Ҳисоб меҳмонлар фойдасига 1 : 0 бўлиб турганида стадионга йиғилган ишқибозлар қўпол бир сўзни жамоа бўлиб, бир неча дақиқа бор овозлари билан "куйлаб" турдилар. Учрашув ҳакамининг шаънига айтилган бу ҳақоратли сўз Узоқ Шарқдан Европагача, Дубайдан Антарктидагача бўлган бепоён ҳудудда ҳамма учун тушунарли тилда янгради. Трансляция режиссёри шу жойда ташқаридан келаётган бу ёввойи ҳайқириқ овозни бироз пастлатиб ҳам қўймади, ўйинни шарҳлаб бораётган акамиз эса ўзини гўёки эшитмагандай тутди. Ўйин янги, замонавий стадионда ўтаётганидан, бу ерда авваллари бундай номаъқулчиликни мутлақо эшитмаганим учунми, кайфиятим бузилди.

Футбол курашсиз, эҳтиросларсиз бўлмайди, албатта. Аммо бу ўйин спорт усталарининг маҳорати билан бирга халқнинг интеллектуал даражаси, миллий маданиятини ҳам кўрсатади. Германия-Швеция учрашувининг 35-минутида ҳакам швед ҳимоячиси Лючични майдондан четлаштирди. Операторлар айни шу пайтда стадионга йиғилган швециялик ишқибозларни, ҳакамларни кўрсатди. Улар бу оғир йўқотишни вазминлик билан қабул қилишди. Ҳакамга қараб "ҳе, фалончи" дея қичқиришмади. Ўйинчининг ўзи эса бир сўз демай, ҳаттоки афтини ҳам буриштирмай майдонни тарк этди. Буни футбол маданияти дейдилар.

Насиб қилса, биз ҳам шу даражага етамиз. Миллий терма жамоамиз жаҳоннинг нуфузли стадионларида тўп сурадиган пайтлар ҳадемай келади. Бунга ишончим комил. Аммо унгача бу ўйин маданиятини ҳам ўзлаштиришимизга тўғри келади.

Бугун чорак финал учрашувлари бошланади. Дастлаб Берлин шаҳрида майдон эгалари аргентиналик чарм тўп усталари билан беллашадилар. Кейин Гамбургда аввалги ўйинда бир амаллаб (амал-тақал қилиб, деса ҳам бўлади) ғалаба қозонган италияликлар ўйинлари тобора шиддатли тус олаётган Украина жамоасига қарши майдонга тушадилар. Эртага Англия-Португалия ва Бразилия-Франция учрашувларида сўнгги ярим финалчиларнинг номи аниқ бўлади.

**М. АҲМЕДОВ**

Ўзбек Миллий академик драма театри жамоаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Зуҳра Ашуровага акаси

**Аҳмад ИСМОИЛОВ**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбек Миллий академик драма театри жамоаси театр актёри Собиржон Отажоновга онаси

**Манзурахон ОТАЖОНОВА**нинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
НОШИР: "ШАРҚ" НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 133-52-91, котибият — 136-56-50
Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 133-49-93 Ижтимоий ҳаёт бўлими: 136-58-55
Санъат бўлими: 136-56-48 Назм ва наср бўлими: 136-56-48

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Навбатчи муҳаррир — Рустам МУСУРМОНОВ
Саҳифаловчи — Байрамали МУҚИМОВ
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 21.00.
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 058-рақам билан рўйхатга олинган. А — 3722. Буюртма Г — 849. Ҳажми — 5 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ. СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН